



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ОДАМЛАРНИ БОШҚАРАЁТГАН

Эрта тонгда кўзимизни майин мусиқа садолари остида очамиз, “будилник” жиринглайди. Но-нушта ҳам сокин мусиқа билан мазалироқ туюлади. Кўл телефонида мусиқа, машинада мусиқа, хордиқ чиқариш учун мусиқа, тўю томошалар, байрамлар-ку, усиз ўтмайди. Маданий ҳаётимизнинг ажралмас бу унсурида катта куч ва имконият мужассам — инсонлар тафаккурига таъсир қилиш имконияти.

ОХАНГЛАР ЁХУД ТОМОШАБИН ҚАЧОН ИХТИСОСЛАШАДИ?

Бонг

Айни мавзуда мулоҳаза юритишимизга туртки бўлган айрим ҳолатлар ҳақида: мени вилоятимиздаги мактаблардан бирининг телеграм гуруҳига кўшишди. Унда ўқувчи-ёшларнинг маданий тадбирлардаги чиқишлари жойлаштирилган экан. Кузатдим, хорижий тилдаги кўшиқлар ижроси ва рақслар ҳам бисёр. Бироқ бир ўқувчининг ўзга тилда айтган кўшиғи ҳеч бир қолипга тўғри келмасди. Тилни билмайдиганлар учун ёқимли оҳанг. Аммо мазмуни... Эътирозимдан сўнг гуруҳдан “сурғун” қилиндим. Ҳеч ким, хатто ўқитувчилар ҳам “Бу тўғри айтяпти, ёш бола аёлнинг комати ҳақида кўшиқ айтмайди-ку”, демади.

Бу-ку, дунёнинг “қир” ишларидан беҳабар ёшлар экан, яқин-яқингача айрим эсини таниган одамларимиз ҳам машинасида англиялик “машхур” хонданинг ноодатий шахвоний ҳирсларни мадҳ этувчи кўшиғини баландлатиб эшитиб юргани ёлғонми? Унинг фониде видео монтаж қилиб, кулгига қолган блогерлар-чи? Кимларни, нималарни мадҳ этиямиз ўзи?

(Давоми 3-саҳифада)

БУЮК ИПАК ЙўЛИ ЗАМОНАВИЙ АСОСДА ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ

Дунёда геосиёсий ҳатар ва таҳдидлар кучайган бир пайтда учинчи бор ўтказилган Тошкент халқаро инвестиция форумининг нуфузи, географияси кенгайиб, нафақат Ўзбекистон, балки дунё мамлакатлари учун ҳам энг муҳим анжуманга айланди. Илк бор ўтказилган форумда 56 давлатдан 2000 га яқин инвестор ва юқори мартабали меҳмонлар иштирок этган бўлса, бу сафар мамлакатлар сони 93 тадан, меҳмонлар эса 2500 нафардан ошди. Бу, шубҳасиз, ортга қайтмас муҳим ўзгаришларга юз тутган Ўзбекистонга халқаро ҳамжамиятнинг ишончидир.

Муносабат

Анжуманда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев сўзга чиқиб, инвестиций муҳит, бизнесни қўллаб-қувватлашдаги муҳим ташаббуслар, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайликлар ҳақида батафсил маълумотлар берди. “Бизнинг асосий мақсадимиз – Ўзбекистонни хорижий инвесторлар учун ишончли ва узок муддатли ҳамкорга айлантиришдир”, – деди Ўзбекистон етакчиси. Албатта, мамлакатимиздаги иқтисодий ва сармоявий ўзгаришлардан форум иштирокчилари ҳам жуда яхши хабардор. Тошкентга келишдан олдин мамлакатимиздаги реал воқеликларни минг чиғириқдан ўтказгани аниқ.

Ҳақиқатан ҳам, юртимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич олиб ташлаш учун қатъий қадамлар ташланганига кўп бўлгани йўқ. Натижада иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Инфляция 9 фоизгача пасайиб, савдо айланмаси муттасил ўсиб борапти. Валюта бозори ва олтин-валюта захиралари барқарорлиги сақлаб қолинмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда 60 мил-

лиард доллардан зиёд хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, халқаро молия институтларининг 14 миллиард доллардан ортиқ маблағи ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига жалб қилинди. Ўтган йилнинг ўзида хорижий инвестиция ҳажми қарийб икки баробар кўпайди.

Форумда бу борада янги қатор аниқ чора ва таклифлар ишлаб чиқилгани маълум қилинди. Жумладан, Тадбиркорлар барқарорлиги рейтинг жорий этилди ва юқори рейтингга эга субъектлар учун солиқ текширувлари ўтказилмайди. Жаҳон савдо ташкилоти тартиб-қоидалари ва стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги “Инвестициялар тўғрисида”ги қонун қабул қилинади. Тез орада Рақамли технологиялар халқаро маркази ҳузурида Халқаро тижорат суди иш бошлайди ва саноат зоналари тизимида мутлақо янги ёндашувлар жорий этилади. Хорижий сармоядорлар учун ерларни ижарага бериш муддати 25 йилдан 49 йилгача узайтирилади ва бунда қонунлар билан кафолатланган амалдаги имтиёз ва преференциялар тўлиқ сақлаб қолинади.

Форумда ўзаро манфаатли ҳамкорликка қаратилган устувор йўналишлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Бунда минтақамиз учун долзарб бўлган “яшил” энергетика масаласи


биринчи йўналиш сифатида белгиланди. Айни пайтда бу борада 28 та лойиҳа устида ишлар давом эттирилмоқда ва 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия улушини 40 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Шунингдек, банк-молия, фойдали қазилмалар, ИТ трансформацияси йўналишлари ҳам истиқболли бўлиб, бу борада ҳам қатор лойиҳалар таклиф қилинди.


Таъкидлаш жоиз, транспорт инфратузилма-сини ривожлантириш ҳам энг муҳим йўналишлардан биридир. Маълумки, бу борадаги қатор стратегик лойиҳалар — Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон ҳамда Ўзбекистон-Афғонистон-Покистон темир йўллари-нинг бунёд этилиши Марказий Осиёни Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарб билан боғлайдиган глобал транзит марказига айлантиради. Яъни, бу орқали Буюк Ипак йўли замонавий асосда қайта тикланади. Энг асосийси, бу лойиҳалар денгиз йўлига чиқиш учун энг хавфсиз ва арзон коридор қидираётган минтақа давлатлари учун ҳам ўта муҳим ҳисобланади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бу каби таклиф ва лойиҳалар иштирокчилар томонидан мамнуният билан қарши олинди. Демак, халқаро инвестиция форуми ва сермахсул музокаралар амалий ҳамкорликни сифат ва мазмун жиҳатдан мутлақо янги, янада юксак босқичга

Жамшид ҚОСИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



Пойтахтимизда уч йилдан буён ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми юртимизда дунёнинг барча қитъаларидан янги ишончли ҳамкорларни бир сафда жамламоқда. Ушбу форумни Ўзбекистоннинг истикболли инвестициявий имкониятларини муҳокама қилиш учун бизнес вакиллари, ҳукумат ва инвесторларни бирлаштирган муҳим тадбир, десак янглишмаймиз.



МУҲИМ ПЛАТФОРМА



Бу йилги форум дунё сиёсий харитасидаги тушунмовчиликлар, жаҳон иқтисодиётида нобарқарорлик давом этаётган, барқарор ривожланиш йўлида хавф ва таҳдидлар кучайиб бораётган айтилган дама мамлакатимиз ва хорижлик ишбилармон доиралар учун икки ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга, янги бизнес имкониятларини кашф этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Чунки, мамлакатимизда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланиб бизнес юритиш кенг қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, кейинги йилларда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқаришга солиқ юкини кескин камайтиришга эришилди.

Шу билан бирга, тадбиркорларга ер ажратишнинг замонавий шаффоф тамойиллари, яъни аукцион савдо тизими йўлга қўйилди. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш доирасида қонунчиликни уйғунлаштиришга қаратилган 60 дан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Умуман, инвестиция муҳитининг жозибдорлигини янада ошириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, иқтисодиётда инвестицияларни кенг миқёсда жалб этишга эришиш кўплаб соҳалар, тармоқлар ҳамда ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар кириб келиши ва тадбиркорликнинг жадал ривожланишига улкан пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз саъй-ҳаракатлари ва мамлакатни барқарор ривожлантириш йўлида қабул қилаётган қарорлари натижасида Янги Ўзбекистон Марказий Осиёда чет

эл компаниялари учун энг ишончли ҳамкорга айланди. Ишбилармонлар учун яратилаётган зарур шароитлар, амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар бугун хорижий сармоядорларда юртимизга бўлган кизишни янада оширди.

Чунки бугун Янги Ўзбекистонда инвесторлар ўзини эркин ҳис этиши, эртанги кунга катта ишонч билан қараб барқарор ишлаши учун барча имкониятлар бор. Давлатимиз бозор муносабатларини ривожлантиришни, инвесторлар ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини, қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришни, ҳалол рақобат учун янада кенг шарт-шароитлар яратишни, хусусий мулк дахлсизлиги ва суд тизимининг мустақиллиги таъминланишини ўз зиммасига олган. Бу тамойиллар янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам қатъий белгилаб қўйилган.

Бош қомусимизга ишбилармонлик фаолияти учун том маънода асос солувчи норманинг киритилиши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятлар самарасида бугун кўплаб инвестициялар юртимизга келиб, яратилаётган қатор энгилликлар, эркинликлардан куч олиб, янги корхоналар ташкил этмоқда.

Фикримизни янги Ўзбекистонда ишбилармонлик, инвестицион муҳит тобора яхшиланиши натижасида биринчи Тошкент халқаро инвестицион форумида 56 давлатдан 1500 дан ортиқ, иккинчи форумда 70 мамлакатдан 2 минг 400 дан ортиқ бизнес ва молия соҳаси вакиллари иштирок этган бўлса, бу йилги тадбирда 93 та давлатдан икки ярим мингдан ортиқ хорижий бизнес ва молия соҳаси вакиллари иштирок этгани яққол тасдиқлайди.

Сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиши учун кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани туфайли сўнгги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Ўтган йил якуни бўйича бу ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Инфляция эса 9 фоизгача пасайди. Энг муҳими, охириги йилларда мамлакатимизда 60 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Халқаро молия

институтларининг 14 миллиард доллардан ортиқ маблағлари ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига жалб қилинди. Бу Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш ва эътибор қаратилаётган бу галги Тошкент халқаро форумида ҳам Президентимиз томонидан муҳим ва амалий таклифлар илгари сурилди. Хусусан, мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун ташланган қатъий қадамлар санаб ўтилди.

Бундан шуни англаш мумкинки, мамлакатимизда ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойили узоқ муддатли ҳамкорликнинг мустаҳкам устун бўлиб қолаверади. Ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиши учун кенг қўламли ислохотлар жадал давом эттирилади. Мақсад битта: Ўзбекистонни хорижий инвесторлар учун ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорга айлантириш.

Шу ўринда нега сўнгги йилларда юртимизда ушбу масалага бу даражада катта эътибор қаратилмоқда, деган савол туғилиши табиий. Чунки ҳар қандай соҳада натижадорликни ошириш учун ташқи сармоя зарур. Бу сармояни эса инвесторлар киритади. Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, юқори барқарорлик ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларнинг ўрни муҳим.

Шу сабабли, кейинги йилларда Янги Ўзбекистон инвесторлар учун ўз эшикларини кенг очди. Уларга муносабат ҳам, эътибор ҳам тубдан ўзгарди. Юртимизга келиб, эркин ва самарали фаолият юритишлари учун барча қулайликлар, имкониятлар яратиб берилди. Келгусида ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилишига шубҳа йўқ.

Боиси, форумда махсус иқтисодий зоналар фаолият муддатлари бўйича чекловлар бекор қилиниши, хорижий сармоядорлар учун ерларни ижарага бериш муддати 25 йилдан 49 йилгача, яъни икки баробар узайтирилиши, бунда, қонунлар билан кафолатланган амалдаги имтиёз ва преференциялар тўлиқ сақлаб

қолиниши айтилдики, бу тадбир иштирокчилари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланиб, уларни фаолликка чорлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида хорижий инвесторлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг устувор йўналишларига алоҳида тўхтади. Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатимизда кўплаб хусусий банклар очилгани, бозоримизга Европанинг етакчи банклари кириб келгани ва қатор рақамли банклар ўз фаолиятини амалга ошираётгани қайд этилди.

Форум доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Ўзбекистоннинг йирик банкларидан бири бўлган “Асакабанк”ни хусусийлаштириш бўйича битим имзоланди. Шунингдек, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки билан бошқа йирик банкларимизнинг трансформацияси ва хусусийлаштириш жараёнлари фаол олиб борилмоқда. Молиявий ресурсларга талабни қондириш учун капитал бозорини ривожлантириш бўйича ёндашувлар қайта кўриб чиқилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, ушбу анжуманни иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган стратегик ташаббус ва лойиҳаларни эълон қилиш платформасига айланди, дейишга барча асосларимиз бор. Чунки унинг доирасида замонавий монетар сиёсат, савдони молиялаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, иқтисодиётни рақамлаштириш, транспорт ва муқобил энергетикага инвестиция киритиш мавзулари муҳокама қилиниб, мамлакат иқтисодиёти учун муҳим қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Ишончим комилки, мазкур форум ва унинг доирасида эришилган муҳим натижалар Ўзбекистоннинг инвестиция, қўшма корхоналар ва савдо шерикликлари учун янги уфқларни очди. Энг муҳими, юртимизнинг ташқи инвестициялар учун очиқлиги ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда ҳамкорликка интилишидан далолат беради. Бу келгуси ҳамкорлик учун жуда муҳим.

Абдигани УМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

ОДАМЛАРНИ БОШҚАРАЁТГАН

(Боши 1-саҳифада)

Номи ўзбекча,
эшитилиши...

Миллийликни кадрлайдиганларга “замондан ортда қолган”, деган тамгани босамиз. Мустабид тузумдан эсдалик қараш, барча миллий кадрларимизни эскилик саркитига чиқарган гоё таъсири бу. Афсуски, ундан ҳалигача қутулганимиз йўқ. Ёмон бўлса ҳам четники бўлсин деймиз. Имкони бўлса, уст-бош Туркияники, қўл телефони Американики, соат Швейцарияники бўлиши керак. Ошни уйда ҳам еса бўлади, кўчага чиқсак, болаларга КФС, пицца, хот-дог олиб берамиз. Зарарли бўлса, нима қилибди. Адибимиз Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони” номи асаридagi “Хўрозқанд хорижники деса, ётиб ялайди”, деган кинояли ибора бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагандек.

Бу гап фақат моддиятга тааллуқли эмас. “Оммавий маданият” ва у орқали сингдирилаётган мафкура “хўрозқанд”ларнинг энг хавфлиси ҳисобланади. Санъат эса уни бизга ўраб-чирмаб, иштахани очадиган шаклда етказётган қуролга айланган. Ўз-ўзимизга қарши ишлаётган қурол.

— Илгари бадний кенгаш бўлар эди, — дейди Ўзбекистон давлат филармонияси Самарқанд вилоят бўлими раҳбари Одил Рустамов. — Санъаткорлар томонидан тайёрланган ҳар қандай “маҳсулот” аввал унда таҳлил қилиниб, руҳсат берилсагина, оммага чиқарилади. Балки халқимизнинг ўлмас асарлари яралишига шу “тегирмон” сабабини бўлгандир. Бугун назорат деярли йўқ. Истаган инсон ўзини санъаткор, деб эълон қилишти ва “маҳсулот”ни ижтимоий тармоқлар орқали тарқатяпти. Назорат ҳақида гап очсангиз, “цензурачи”, “эски тузум тарафдори”га чиқаришади. Ўзларига қўйиб берсангиз, бузқўлликни ҳам замонавийлик, деб атайди. Хонандаларимиз айтаётган кўшиқларни эшитяпсизми? Ярми хориждан кўчирилган, қолган ярами тутуриқсиз. Дард йўқ, мазмун йўқ шеърлариди.

Ижтимоий тармоқда “ўзбек хит кўшиқлари”, дея кидирув бериб, биринчи веб-сайтга кирдик. Рўйхатда “Куёв бўлиш мазза-да”, “Кайф-кайф”, “Совға қил”, “Юрагим онангни уйимас”, “Маликам”, “Қизил кўйлак” деган номларни ўқидик. Иккинчи, учинчи веб-сайтда ҳам шунга ўхшаш эстрада кўшиқлари “топ”га чиққан. Бари севги ва айрилиқ, кайфу сафо, маиший иқир-чиқирлар ҳақида.

Мавзу доирасида одамларнинг фикрларини ўрганар эканмиз, уларнинг орасида талаб бўлма, тақлиф бўлмайди, деганлар ҳам бўлди. Бу иктисодиётда тўғридир, бироқ маданият борасида бошқача бўлиши керак назаримизда. Сабаби инсон хато қилишга мойил. Кўнгилга қўйиб берсак, нималарни тусамайди? Агар маданият босилган лайкларга қараб ранг олаверса, энг жирканч ижод намуналари “топ”га чиқиши шубҳасиз. Ишонмасангиз, ижтимоий тармоқда тажриба ўтказиб кўринг, “Одамларни бошқараётган оҳанглар” ёки “Хиёнаткор келин тақдири”, қай бир сарлавҳали мақола ёки видео кўпроқ кўрилади деб ўйлайсиз? Натижа олдиндан аниқ. Шундай экан, маданият, хусусан, мусика санъати ҳам аввало, одамларнинг манфаатига хизмат қилиши керак. Санъат томошабинга ихтисослашиши эмас, балки томошабинни ихтисослаштириши лозим.

“Welcome” ёки “Добро пожаловать”

Аҳолисининг асосий қисми ўзбек, давлат тили ўзбек тили бўлган мамлакатнинг чекка бир қишлоғида очилган дўкон пештоқида ҳам “Welcome” ёки “Добро пожаловать” деган ёзувни кўриш мумкин. Бу ғалати эмасми? “Опен”, “Слосе”, “Открыто”, “Закрыто” шулар жумласидан. Бунга эътибор ҳам бермаймиз, шундайми? Сабаби, бизнинг тафаккуримиз шу тилдаги маданиятга тўйинган. Ва бу тўйиниш аста-секинлик билан, йиллар давомида ортиб бормоқда.

Гарвард университети профессори Жозеф Най ўзининг “Юмшоқ куч” асаридида “оммавий маданият”нинг сиёсий таъсири ҳақида тўхта-лар экан, америкалик тарихчи, шоир ва фольклоршунос Карл Сендбургнинг 1961-йилдаги

ОХАНГЛАР ЁХУД ТОМОШАБИН ҚАЧОН ИХТИСОСЛАШАДИ?

нуткидан иктибос келтиради. Унда шундай дейилган: “Голливуд Гарварддан устунми? Жавоб куйидагича: Гарвард каби бенуксон эмас, лекин шунга қарамай аҳамиятлироқ”. Бу маданият ҳар қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, хоҳ у ижобий бўладими ёки тесқари, ўз харидорини топиши ва бу маълум бир сиёсий кучларнинг манфаатига хизмат қилишини аниқлатади. Муаллиф буни “юмшоқ куч”, деб атайди. Унинг асосий воситалари эса кино, санъат, адабиёт, илм-фан ҳамда ахборот ҳисобланади.

Айни фикр фақат Америкага тааллуқли эмас. Бугунги геосиёсий маконда мафкуравий таъсир объектлари ҳаддан зиёд кўп. Мисол учун, туркча сериаллар ишқибозлари Истанбулда, замонавий киноларни хуш кўрувчилар Европада, рус кўшиқлари ихлосмандлари Москвада яшашни орзу қилади. Томошабин ҳагто уларнинг тилини билмаслиги ҳам мумкин, аммо қалб яқинлигини сезади. Оқибатда улар ўша кучнинг ҳар қандай сиёсатига кўз юмади, гоёларини қўллаб-қувватлайди. Маданиятимиздаги бу бўшлиқни тўлдирмас эканмиз, буни бошқалар тўлдирари ва биз уларнинг манфаатига хизмат қиламиз.

Маънавий таҳдидга қарши курашадиган “армия” миз борми?

Бу шундай таҳдидки, уни куч билан енгиб бўлмайди. Унинг учун чегаралар йўқ ва истаимизми-йўқми, у билан доимий мулоқотда бўламиз. Хўш, унга қарши қандай курашиш мумкин, дерсиз? Албатта, ўз қуроли билан — маданият орқали. Фақат уни ҳам тўғри қўллаш масаласи бор. Бунда энг катта масъулият маҳаллий ижод аҳли ҳамда маданиятнинг ҳар бир маҳалла, хонадонга кириб боришини таъминлайдиган маданият ходимлари зиммасида қолмоқда.

Айни масалада Президентимиз раислигида 2023-йил 22-декабрда ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида муҳим фикрлар билдирилган эди. Унда масъулар олдида “Ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёр-мизми?”, “Ёшларимизнинг тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераётими?”, деган долзарб саволлар қўйилди. Юртбошимиз “Агар биз бу ёруғ дунёда “ўзбек”, “ўзбекистонлик”, “ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт”, дея таъкидлади. Яқин келажакдаги вазибалар, мақсадлар аниқ қилиб белгиланди. Энди уларни тўғри ижро қилиш қолди.

— Худудимизда 80 та маданият маркази, 32 та болалар мусика ва санъат мактаби, 4 та давлат театри, 29 та бадний жамоа фаолият юритади, — дейди вилоят маданият бошқармаси маданий фаолиятни ривожлантириш ва халқ ижодиёти шуъбаси мудири Валижон Умаров. — Улар Самарқанднинг бугунги маданий киёфасини яратади. Албатта, тегишли режалар тузилган, ҳар бир ходимга маҳалла ва ташкилотлар бариқтирилган. Лекин ишни ташкил этиш механизми оқсапти. Мисол учун, ўтган йили вилоятимизда турли даражадаги 1500 дан ортиқ тадбир ўтказилди. Уларга тайёргарлик кўриш учун жалб қилинган ходимлар, техника ва меҳнат кўламини тасаввур қила оласизми? Беш дақиқалик сахна кўринишининг ўзида ўнлаб ижодкорнинг машаққатли меҳнати бор.

Бу йил ҳам вилоятимиз катта тадбирларга мезбонлик қилиши кутилмоқда. Ижодкорларнинг рағбати ҳам меҳнатига мос бўлиши керак. Юклама ва рағбатнинг номуносивлиги ортидан соҳада кадрлар кўнимсизлиги юзага келган. Олий маълумотли мутахассислар ишни ташлаб, бошқа, даромадлироқ соҳаларга ўтиб кетяпти.

Ишонини кийин, аммо бугун маданият маркази ходимининг ойлик маоши юртимиздаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига яқин экан. Бу маълумотдан кейин уларга “Нега маҳаллаларга чиқиб, савияли тадбир ўтказ-маяпсиз?”, деган саволни бериш ноқулай. Озгина иқтидори намоён бўлган кўшиқчининг тўйлардан ортмай қолиши сабаби ҳам шунда. Улар оила боқиши керак. Бунинг учун эса пул берувчи, яъни одамларнинг истагидан келиб чиқиб ижод қилинади. Бу истак бизни қаерга етаклаши ҳақида юқорида айтдик.

— Биз ўзимизга юклатилган вазибаларни виждонан бажаришга ҳаракат қилияпмиз, — дейди Булунгур тумани маданият маркази раҳбари Бобомурод Рўзиев. — Белгиланган режа асосида маҳаллаларда маданий тадбирлар ўтказилапти. Аммо аксарият маҳаллаларда бунинг учун етарли шартлар йўқ. Бу бир муаммо бўлса, иккинчиси малакали кадрлар етишмаслиги. Маош кам, қолаверса, маданий тадбирларни ўтказиш хизматлари пуллик қилингани билан кўп ҳолларда текинга ишлаяпмиз. Яхши мутахассислар вилоят маркази ёки Тошкентга кетиб қоляпти.

Туманда ишлаётган 65 нафар маданият ходимидан бор-йўғи 5 нафари олий ва 5 нафари ўрта-маҳсус маълумотга эга экан. Қолганлари мактабни тугатган. Кадрлар етишмайди, борлари ҳам мутахассис эмас. Бу вилоятимиздаги энг намунали маданият марказларидан биринчи вазиет. Ҳолбуки, маданият марказлари тўғрисидаги намунавий низомнинг 5-бандида туманлар ва шаҳарлар марказларининг ҳар бирида биттадан марказий маданият марказлари, қишлоқ ва шаҳарчаларда аҳоли сони 7 минг нафар ва ундан ортиқ бўлганда, марказлар ташкил этиш белгиланган. Аҳоли сони ортиб бораётган бўлса, нега тизим кенгайиш ўрнига торайиб, “ҳолсиз”ланиб борапти?

Пуллик хизматлар масаласида. Ўзбекистон Республикасининг “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни 29-моддасида маданият марказлари оммавий байрамлар, томошалар ҳамда халқ сайилларини ташкил этиш, юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномаларга кўра, ижтимоий-маданий бўш вақтни ташкил этиш соҳасида пулли хизматлар кўрсатиши белгиланган. Яъни, вазиетлик томонидан тасдиқланган айрим тадбирлардан ташқари, барча тадбирлар, хоҳ уни ҳокимлик ташкил қилсин, хоҳ хусусий ташкилот, хизматлар пуллик бўлиши керак. Бу маблаг ўз навбатида соҳани ривожлантириш, тадбирга жалб қилинган ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади. Айни муаммо фақат Булунгур туманига тааллуқли эмас. Мисол учун, Ўзбекистон давлат филармонияси вилоят бўлими ўтган йили 150 та маданий тадбир ўтказган бўлса, шундан бор-йўғи 17 тасига пул тўланган. Нима, қонун ишламайди-ми? Маданият ходимлари ниманинг ҳисобига фаолият юритади? Маданий террорга қарши биринчи сафда туриб жанг қилиши керак бўлган “аскар”ларни “оч” қолдиришининг оқибати нима бўлади?

Афсуски, биз фақат оқибатлар билан курашиб яшайпмиз. Унинг таҳлили ва мулоҳаза асосида иш юритишга ўрганмаганмиз. Ваҳоланки, қаршимизда турган кучлар келгуси 10 йиллик учун ҳам режа тузиб қўйгани аниқ. Президентимиз “Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн кадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак”, деганда балки шуни назарда тутгандир?

Ёшларга миллий чолғуни ўрганиш нега керак?

— Миллий маданиятимиз жуда бой, уни четлаб ўтиб, хориж санъатидан илҳом олишимиз катта хато, — дейди хонанда Валижон Эрматов. — Бунинг оқибатида кўшиқларимизнинг савияси тушиб бормоқда. Аксарият ижодкорлар бугун фақат тўй-томоша, “дискотека”ларга мослаб кўшиқ яратяпти. Тўғри, бундай саёз ашуларнинг умри қиска бўлади, бироқ шу давр авлодининг тафаккурида қандай муҳрланишини ўйлаб кўриш керак. Бу билан замонавий ижро усулларидан фойдаланмаслик керак, демокчи эмасман. Миллийлик ва замонавийлик ўртасидаги мувозанатни топишимиз лозим. Шаҳсан мен фольклоримизни эстрада йўнали-

шида ижро этиш устида ишлаяпман. Албатта, бу йўлда кўп меҳнат қилиш, изланиш керак. Айримларга ўхшаб, тезда машхур бўлиб кетмасмиз. Аммо яқуний натижа ўзини оқлайди.

Сухбатдошимиздан “Бугунги ёшларни маданий террордан қандай ҳимоя қилиш мумкин?”, деб сўрадик.

— Хоразмда бўлганимда ҳар бир хонадонда тор борлиги эътиборини тортди, — дейди В.Эрматов. — У ерда оддий инсон ҳам тор чертиб, у ёки бу мураккабликдаги миллий кўшиқни куйлаб бериши мумкин. Табиийки, ёш авлод бунга кўриб, миллий оҳанглар сеҳрини қалбига жойлаб улғаймоқда. Шу боис хоразмча кўшиқларни хоразмликлардан зиёда қилиб ижро этиш кийин. Улар куйини юракдан ҳис қилади. Биз ҳам ёшларга болалигидан фольклор ва миллий санъатимизнинг бошқа йўналишларини ўргатиб боришимиз керак.

Мазкур тажриба Президентимизнинг 2022-йил 2-февралдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди ҳам ўз аксини топган. Унда хусусан, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларга миллий мусика чолғуларидан камида биттасини чала олиш маҳорати ўргатилиши ҳамда бу ҳақда уларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари (шаҳодатнома)га тегишли қайд киритилиши белгиланган. Ҳужжатга мувофиқ, мусика фани ўқитувчиларининг миллий чолғулардан камида биттасини, 2023/2024-ўқув йилидан бошлаб эса камида учтасини чала олиш маҳоратига эга бўлиши мажбурий ҳисобланади.

Агар бу ҳужжат лозим шаклда ишлаганида, балки суҳбатдошимиз айтган фикрлар амалга ошарди. Аммо унинг ижросига кизиқиб кўрганимизда, аксини кўрдик. Биринчидан, мактабларда мусика дарси ҳамон ҳафтасига бир соат ўтиляпти. Бу 30 нафар ўқувчиси бор синфда ҳар бир бола чолғу асбобини чала олиш кўриши учун ҳафтада ўртacha 1,5 минут берилади дегани. Ўқитувчи тўғрақ ташкил қилиши ҳам мумкин, лекин ҳозирги замонда бутун синф унда қатнашди, деб айта оламизми? Табиийки, шаҳодатномага тегишли қайдни киритиш масаласи ҳам кечикмоқда. Қарорда эса мuddатлар аниқ қилиб белгиланган.

Мавзуга қанча чуқурлашсак, муаммонинг илдизи ҳам шунча чуқурлашиб, йўғонлашиб бормоқда. Энг кизиғи, уларнинг айримларига ўз вақтида ечимлар ишлаб чиқилган, қарорлар қабул қилинган, бироқ амалий иш қилинган-дек эмас.

“Дўппи” феномени

Албатта, маданиятни фақат ҳужжат ва қонунлар билан тартибга солиш кийин. Бу мураккаб жараёнда ижтимоий фикрни йўналтириш, инсонлар кайфияти ва истақларини инобатга олиш ҳам муҳим. Бу ҳақда гап кетганда, бир кизиқ феноменга эътиборингизни қаратишни лозим топдик.

Биласиз, миллий дўппимиз маълум бир даврда фақат жанозаларда кийиладиган бош кийим бўлиб қолди. Бошқа вақт уни фақат ёши улуг инсонларда кўрар эдик. Бу тўғрида кўп фикрлар билдирилди, кўрсатувлар тайёрланди, катта-катта мақолалар эзилди. Фойдаси кам бўлди. Лекин эл назарига тушган инсонлар сахнага дўппи кийиб чиққан эди, у яна “мода”га қайтди. Ҳозир ундан мутахассислар миллий логотипларни ясада фойдаланишмоқда. Демак, бугунги тарғибот сўзда эмас, амалда кўрсатилса, яхшироқ натижа берапти. Маданий таҳдидларга қарши курашда ҳам шундай усул керак. Яъни, биз кино, санъат, адабиёт, илм-фан ва ахборот маконида ўз брендимизни яратишимиз, уни ривожлантириб боришимиз лозим.

Яна бир масала, унча узок бўлмаган ўтмишда маҳаллаю қишлоқларнинг гузари ёки кўчаларида турли сайллар ўтказилган, миллий спорт ўйинлари бўйича беллашувлар ташкил этилгани эсингиздами? Унда дастурхон уйларда пиширилган таомлар, кўпчилик бўлиб тайёрланган сумалак ва ош билан тўлдириларди. Инсонларни яқинлаштирган, кўни-қўшнилари ўртасида меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаган бундай тадбирлар нега бугун ўтказилмапти? Қандай тўсиқ бор? Қўшнилари бир-бирини танимайдиган, ёшлари компьютердан бош кўтармайдиган жамият бўлашимиз биз ҳам? Назаримизда халққа байрамларни қайтариш керак. Ва бу жараёнга маҳалла фаоллари, турли даражадаги раҳбарлар бош бўлиши лозим. Халқимизнинг маънавияти учун қайғурмасак, бунга бошқалар қилади, қилияпти ҳам.

Аскар БАРОТОВ.

КЎҒИРЧОҚҚА

АЙЛАНИБ

ҚОЛМАЙЛИК

Яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги маҳаллалардан бирида очилган халқ кутубхонасига боғча ёшидаги кичкинтойлар билан учрашувга таклиф қилишди. Боғча опа 10-15 нафарча 5-6 ёшдаги ўзбек болаларини бошлаб келиб қолди. Жажживойлар рус боғчасида тарбияланар экан. Тиллари бийрон-бийрон, ўзбекча, русчани ҳам она тилидай гапиради. Ҳар эҳтимолга қарши, деб кичкинтойларга бағишланган русча шеърларимдан олиб борган эдим, ўшаларни русча-ўзбекча қилиб ўқиб бердим. Болалар жуда тийрак, катталардай савол бериши мени ҳайрон қолдирди.

“Нега бу болалар рус боғчасида тарбияланаяпти?”, деган саволимга боғча опа: “Ота-оналар шуни хоҳлашган” деб жавоб берди. Албатта, ҳаммининг ўз хоҳиши, бунинг ажабланили жойи йўқ. Очиғини тан олиш керак, рус миллатига мансуб оилада ота-она боланинг ҳар бир саволини жавобсиз қолдирмайди, эринмасдан тушунтиради. Ўзбек оиласида аксарият ҳолларда боланинг саволи жавобсиз қолади ёки “Жим бўл!”, “Ҳамма нарсага бурнингни тикаверма!”, “Бу сенинг ишинг эмас!” кабилидаги гаплар билан яқунланади. Қолаверса, ўзбек боғчаларида ҳам ана шундай кайфият ҳукмрон. Бундай муҳитда тарбияланган бола ўз фикрини ифодалай олмайди, одамови ва кўрқок бўлиб ўсади. Ўз қобиғига ўралашиб яшайди. Фарқ ана шунда.

Билимсизлик қарам қилади

Яқинда неварам ўқийдиган мактабда янги йил тадбири учун ўқитувчилар пул йиғишибди. Қизим бориб ўқитувчилар билан гаплашмоқчи бўлса, неварам кўнмабди. “Кейин болалар мени айириб қўйишади”, депти. Шу билан мавзу ёпилди. Ўқитувчиларнинг мақомоти янгиланган Конституциямиз даражасида белгилаб қўйилган, Президент Фармони асосида ойлик маошлари кўтарилаётган бир пайтда улар онгини эскича ёндашувлар тарқатмаётгани, ўз устида тинимсиз изланиш, ўқувчиларга сифатли таълим бериш ўрнига пул йиғиш, дарсга келмаган ўқувчиларни жазолаш каби элементлар сақлаиб қолаётгани ғоят ачинарлидир. Шунинг учун ота-оналар аксарият ҳолларда фарзандларини оммавий равишда рус тилида дарс ўтиладиган мактабларга бераётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Нима учун ҳозиргача ўзбек мактабларини битираётганлар Россияга бориб ишлашга мажбур бўлишяпти? Бунинг сабаби нимада? Ёшларни касбга ўргатадиган мо-

номарказлар фаолият кўрсатаётган бўлса, ҳар куни “фалон ишчи ўрни яратилди”, деб мактанаётган бўлсак, нега улар ўз кадрини топгайдиган “хориж”га бориб ишлашни орзу қилишади?

Бунинг кўпгина сабаблари бор. Биринчидан, таълим сифати замон талаблари даражасида эмас. Иккинчидан, “яратилган” иш жойларида муносиб иш ҳақи тўланмайди. Натижада ёшлар қанча хўрлик кўрсатса, хорижда ишлаб, бир-икки сўм топишни афзал билишади. Демак, Ўзбекистон меҳнат бозориуларнинг талабига жавоб бермас экан, бу масаланинг ечими – таълим сифатини яхшилаш, шу орқали ёшларни жаҳон меҳнат бозорига рақобатбардош қилиб тарбиялаш. Биз Россиядаги меҳнат бозорига қарам бўлиб қолмаслигимиз учун боғча ва мактабларда рус тилига муқобил тарзда инглиз тилини жорий этсак, мактабни битирган ёшлар Россияга эмас, Европа, Осиё мамлакатларига бориб рақобатли жойларда ишлайдиган бўлади. Чунки ҳозир дунёнинг қайси мамлакатига бўлмасин, меҳнат бозорига иш олиш учун асосан инглиз тили керак бўлади. Бугуннинг талаби – илм, инновация, контентлар талаби даражасида ишлаш. Аксарият ҳолларда, тил билмаслик бозордаги рақобатбардошликни пасайтиради.

Ёшларимизнинг етарли даражада билимга эга бўлмагани, хусусий телевидениеларнинг бачкана кўрсатувлари, маънисиз сериал ва кўшиқлардан иборат дастурлари, кўзга кўринмас “миллий ғоя” ҳақида оғиз кўпиртириб мадҳ этувчи зерикарли алжирашлар инсонга зарур бўлган маънавий озукани етарли даражада бера олмайди. Бўшлиқ ва ғоявий очлик муҳити пайдо бўлди. Ғоявий очлик ва назоратсизлик ёшларни тўғри келган зарарли информацияларни қабул қилиш ва уларга кўр-кўрона таклид қилишга ўргатди.

Эгизак шоу-кўрсатувлар

Ўтмишга назар соладиган бўл-

сак, бир неча минг йилликлар давомида истибод домидида қолган, босимга учраган халқлар, миллатлар тарих саҳнасида йўқолиб кетган. Ахборот хуружлари авж олган, дунёни қайта тақсимлаш ҳаракатлари тўхтамаётган бир даврда керакли билим ва малакага эга бўлмаган ёшлар онгини ижтимоий тармоқлар орқали захарлаш, тўпориллаштириш орқали миллатни ғорат қилиш сиёсати авж олмоқда. Агар аҳолимизнинг қарийб 60 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил этишини ва улар асосан ўзлари тушунадиган рус тилидаги ахборотларга мурожаат қилишларини инобатга оладиган бўлсак, бу ғаразли мақсад ортида қандай ният борлиги аён бўлади. Чунки бугун янги жаҳон тартиботи шаклланаётган бир даврда ёшларни турли маънавий, маданий, мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш айтиш мумкинки, мамлакат тақдирини белгилайди.

Этибор берадиган бўлсак, Ўзбекистон телевидениесининг деярли барча каналлари, айниқса, хусусий телевидениелар ғарб компаниялари маҳсулотларини узлуксиз тарғиб қилади. Кабель телевидениеси ёки махсус антенналар воситасида ахлоқ-одобга зид фильмларни, бепарда кўрсатувларни томоша қилаётган ёшлар тарбияси қандай бўлади? “Биринчи танишув”, “Дув-дув гап” сингари шоу кўрсатувлар ғарб телевидениесининг айнан кўчирмаси эканига нима дейсиз?

Лариса Гузеева бошловчилигида 15 йилдан буён олиб борилаётган “Давай поженимся” шоу-кўрсатувини ўртамаёна аудиторияга мўлжалланган бўлиб, аслида у ҳам ғарбдан кўчирилган. Жамоатчилик томонидан билдирилган жуда кўп эътирозларга қарамай, бу паст савиядаги кўрсатув ўз томошабинларига эга бўлгани учун фаолиятини давом эттириб келяпти. Молдова, Қозғистон, Беларусь, Ўзбекистон каби МДХ мамлакатлари телеканалларида ҳам худди шунга ўхшаш “эгизак” шоу-кўрсатувлар ташкил этилган.

Аксарият хусусий телевидениелар, боши-кети кўринмайдиган рекламалар, бири-бирдан сийқа, мантиққа зид сценарийлар асоси-

да олинаётган сериаллар, кераксиз матбуот нашрлари, савиясиз китоблар ва интернет сайтлари ёшларни миллий ўзлигидан кечилга, ҳаётга энгил-елпи карашга ўргатаётгани ғоят ачинарлидир. Миллий урф-одатлар, кадриятлар, ахлоқий меъёрлар, этник-маданий ва миллий тарихий илдизлардан ажратишга қаратилган турли кўринишлардаги “юмшоқ” босимлар кўпайиб бормоқда.

Геосиёсий ва иқтисодий мақсадлар

Бугунги кунда дунёни қайта тақсимлашга қаратилган ўйинлар, зўравон давлатларнинг ғоявий ва ҳарбий урушлари, маънавий зиддиятлар авж олган бир паллада ёшлар онгига синдирилаётган ахлоқсизлик ва маънавий инқирозлар ҳар қачонгидан ҳам хатарли тус олмоқда. Биз бундай шароитда ҳамиша хушёр ва огоҳ бўлишимиз, дўст ким, душман кимлигини яхши ажрата билишимиз шарт ва зарур. Собик “марказ” томонидан уюштирилаётган ҳар бир “эзгу мақсадлар” ортида ғаразли мақсадлар, манфаатдор кучлар турганини бир лаҳза ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ.

Ўзбекистон ёвуз кучлар қўлида кўғирчоққа айланиб қолмаслиги, мустақиллигимизни бой бермаслигимиз учун ҳар бир юрт фарзанди ўз ишига масъулият билан ёндашиши, ҳар бир қилган ишида мамлакат манфаати, озод Ватан келажагига дахлдорлик ҳисси мужассам бўлиши керак.

...Кўчада кетаётганимда ўзаро сўзлашиб келаётган 5-6 нафар қоракш ўғил-қизларнинг гаплари қулоғимга чалинди. Мактаб ўқувчилари ён-атрофдаги йўловчиларга эътиборсиз, бир-бирига уят гаплар билан русчалаб бақир-чақир қилиб сўқинишар, қизлар бу сўқинишларни табиий ҳолдай қабул қилиб, хиринглашар эди. Вужудимни совуқ тер босди...

Нуруллоҳ ОСТОНОВ,
журналист.

САНЪАТ МУСОБАҚА МАЙДОНИ

ЭМАС

Ўзингдан ўздинг —
Ўзгандан ўздинг



“Овоз” лойиҳаси пайдо бўлганидан бери куй-қўшиқ ҳақида яна ўйлай бошладим. Ўтган аср Европа эстрадаси ва операсини тинглашга кучли эҳтиёж уйғонди. Ва уйда тинглаб юриш, бахонада болалар қулоғида қолиши учун қўшиқлар рўйхатини тузишим зарурлигини тушуняпман. Негаки, бугунги ярадор дунё буюк тоқатга, кенглигу биродарликка, ўзлигидан кечмаган космополит тафаккурига ниҳоятда муҳтож. Сара куй-қўшиқ рухий тўсиқларни енгадиган, ички хурриятга олиб борувчи, «мен» деган майда қобикчани ёрувчи осон йўллардан бири.

Масалан, Крис Ри ёки Демис Руссос нолаларида дард ва сайқалланган овоздан ташқари чексизлик, олий уйғунликка интилиш бор. Юксак санъатни яратиш учун дард ва овознинг ўзи кифоя эмас, хурлик ҳисси, само соғинчи ҳам ҳаводек зарур. Ўшандагина хонанда ишқида жаҳонни сиғдира олиш ҳолатини чиқариб бера олади. Ботир Зокировнинг “Маро бибус”ида шу кайфият чиққан, яъни коинот ўз сирини очган, туйғулар буюк МАЪНО томон талпинади.

Йигирма йил олдин раҳматли Римма Аҳмедова юксак соф санъатнинг туғилиши учун унвонларни бекор қилиш зарур ва санъаткор ижоди тўй репертуарига қарам бўлиб қолиши керак эмас, деган эдилар. Айнан тобелик ва қарамлик бор жойда катта санъат ҳақида фақат хомхаёлни суриш мумкин. Ҳар гал Давлат тадбирларининг финалига кўзим тушганда Римма опанинг гаплари ёдимга тушаверади. Негадир мен учун хижолатли манзара. Саф тортиб турган хонандалар юзидаги илинж — Аллоҳ муждаси йўлидаги энг катта ғов бўлиб кўринади. Беш-ўн дақиқа ичида шўрлик рух неччи марта эгилиб-букилади, биргина назарга қарамлик истаги у қалбларни не савдоларга солмайди? Минглаб тансенлари бор баужуларга само ХЕЧ ҚАЧОН ўз сирини айтмайди...

Тансен — Акбаршоҳ саройидаги мусиқачи. Ҳукмдор энг яхши ҳофизу машшоқларни, сара шоиру файласуфларни фақат ўз даргоҳида кўришни хоҳларди. Минглаб мусиқачилар орасидан Тансенни танлаб олади. Қаердаки Тансен бўлса, ўша атрофда ҳеч ким ҳеч нарса ижро этмасин, дея фармон чиқарилади. Кимки унинг санъати билан беллашишга журъат топиб, баҳса ютқазиб қўйса, ўша заҳотиёқ ё зиндонбанд қилинади, ё саройдан бадарға этилади. Кўплаб мусиқачилар бу савдога гирифтор бўлганди.

Баужу Бавара эса тақдирга тан бермади. Баужу исми, Бавара тахаллуси эди. Бавара — телба, дегани. Унинг ҳаётдаги бирдан бир орзуси санъатда қўл етмас юксакликка кўтарилса, ҳатто Тансен ҳам таслим бўлса... Тансен унинг учун рақобат мезонига айланганди. Кунига йигирма тўрт соат ишларди. Охири сабоғини мукамал қилиш мақсадида мураббий Харидаснинг хузурига боради. У Тансеннинг ҳам устози эди.

— Бир кун келиб Тансендек санъаткорнинг устози бўлишим мумкинлигини ҳечам ўйламагандим, — дейди фахрланиб Харидас. — Сен ҳам ажойиб мусиқачисан. Ягона камчилигинг, кимдандир ўзишни хоҳлайсан. Ахир, бу истакнинг мусиқага ҳечам алоқаси йўқ-ку. Мана шу нарса истеъдоднинг кучини кесади. Тўғри, ноёб овозинг бор, маҳорат билан чаласан, лекин юрагинг мусиқага тегишли эмас, орзу-ҳавасга қарам. Агар номаъқул ниятингдан озод бўла олмасанг, ҳеч қачон Тансен билан бўйлаша билмайсан. Унда рақобат туйғуси бўлмагани боис ҳам ҳамиша ғолиб.

Баужу Баваранинг ўзини енгиши осон эмас эди. Майли, сўқир орзу бўлса-да, азбаройи шу туфайли ҳаётини санъатга бағишлади. Лекин устознинг танбеҳи ҳам ўринли. Лекин вақт керак, бу-да бир риёзат... Бора-бора, аста-секин Тансенни унута бошлади...

Орадан йиллар ўтди. Қария Харидаснинг икки оёғи ҳам ишламай, юролма қолди. Остона ҳатлаб чиқолмасди. Қанийди, ҳеч курса уйи яқинидаги Кришна ибодатхонасига бора олса... Чунки Кришнага юкунмасдан, туз тотини ўзига эп кўрмасди. Қанчадан-қанча ҳақимлар бу зотнинг дардига дармон излади, барибир тузалмади.

Устозининг аҳволидан дарак топган Баужу Бавара ўша заҳотиёқ қишлоғидан етиб келади. Эрта тонгда, айнан Харидас уйғонадиган маҳалда ибодатхона деворига сунганча хониш қила бошлайди. Баужу куйлаётган қўшиқдан шундай маъно сизиб чиқарди: “Дийдорингни кўрмоққа интизор кўзларим... Ўтинаман, оёғимга куч бер. Айт, айбим нима, нега сени кўришдан маҳрумман? Мендан юз ўғирма...”

Санъаткорнинг мўъжизакор навосидан куч олган Харидас оёққа турди, шукрона айтмоқ учун ибодатхонага қадар юриб боради. Ибодатдан сўнг уйига қайтаётиб шогирдига юзланади:

— Энди Тансеннинг ёнида бемалол қўшиқ айтишинг, беллашининг мумкин. Чунки сен мусобақалашинг хоҳишидан, яъни биринчилик истагидан халос бўлибсан. Табригимни қабул эт. Санъатинг хаста оёғимники даволай олдим, демак, ҳар қандай кулфга тушадиган сеҳрли калит соҳибсан.

Баужу Бавара устози Харидаснинг нигоҳига ўйчан боққанча, таажжуб оҳангида жавоб берди:

— Буни қандай тушунмоқ керак?.. Мен фақат мусиқани севаман, ёлғиз куйга ошуфтаман. Тансен деган исми мутлақ унутдим. Ким биландир беллашмоқ истаги болаларча ғўр хоҳишим бўлган. Сиз ҳақ эдингиз — ўшанда мен мағлуб эдим. Ҳозир ҳам ҳақсиз. Лекин қалбимда ғолиблик даъвосининг ўзи йўқ.

Харидас мамнун ҳолда шогирдини бағрига босади:

— Баужу, ўғлим, сен чиндан баварасан! Менинг телбамсан! Ҳозир шу даража юксалгансанки, ишон, Тансендан ҳам ўзгансан!

Санъат сотиладиган буюм ё мусобақа майдони эмас, мезонларга сиғмайдиган тилсим эканини англаган Шахсина турфа хил кимўзар ўйинларни инкор этади. “Мен” деган даҳшатли занжирдан озод бўлмас экансан, ўзингни хоҳ ўтга ур, хоҳ чўққа, барибир қўланкасан, холос. Бунинг учун ижод муруқабага айланиши зарур.

БУКИЛМАС ИРОДА ВА ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Инсонга ҳар куни тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик керак. Тинчлигини йўқотган хонадон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўла олмайди. Тинчлик-хотиржамлик – тараққиёт гаровидир. Биз азал-азалдан тинчликсевар халқимиз. Айнан шу ғоя тарғибига бағишланган буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг барида тинчликнинг кадрига етиш тарғиб этилади. 9 майни Хотира ва қадрлаш куни тарзида умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётибди.

Иккинчи жаҳон урушида халок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, жанг майдонларидан омон қайтган боболаримизга, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енгган аждодларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш том маънода миллий анъанага айланди.

Бутун дунёда миллионлаб инсонлар халок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатларни олиб келган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, қонли қирғин бўлганлиги бугун барчамизга маълум. Ушбу бешафқат урушда қатнашган 2 миллионга яқин ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди халок бўлгани, урушдан қайтганлари ҳам бутун умр уруш даҳшатлари ёди билан яшаб ўтганликларини халқимиз асло ёдидан чиқармайди.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши жаҳон мамлакатлари халқлари қатори кўп миллатли Ўзбекистон халқи бошига ҳам мислсиз айриликлар ва талофатларни солди. Жонажон Ватанимиз тарихида уларнинг жасорати биз учун мардлик мактаби, ғурур-ифтихор манбаси бўлиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқи уруш бошлангандан ўзининг бутун иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришини урушга, ҳарбий sanoatга йўналтирди. Ўз-

бекистон ҳақли равишда, фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди, sanoat корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилиб, барча кучлар ғалабага сафарбар этилди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида маҳаллий ва фронт газеталари ҳарбий хизматчиларнинг кундалик ҳаётдаги аҳамиятини, ҳарбийларни ҳаётга бўлган умидини уйғотишга, ғалабага ишончини янада оширишга, ватан соғинчини қондиришига хизмат қилди. Ана шу даврда ўзбек тилида 17 номдаги газета чоп этилган.

Сўнгги йилларда олдин ёпиқ бўлган архив ҳужжатларини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида илмий жамоатчилик учун кенг имконият яратилди. Бу борада собиқ иттифок республикалари ва чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар ва фондлар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш



ўчоғига айланган ўлкалардан Ўзбекистонга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинди. Халқимиз бу одамларнинг барчасига чинакам меҳр ва эътибор кўрсатди, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўриб, юксак инсонпарварлик фазилатларини намоён этди.

Инсоният тарихидаги энг даҳшатли қирғин, Иккинчи жаҳон уруши тугаганига қарийиб 80 йилга яқин вақт бўлса-да, афсуски, ер юзининг турли ҳудудларида қарама-қаршилик, қонли тўқнашувлар давом этмоқда. Бугунги ҳаёт ва кескин ўзгаришлар ҳаммамиздан ҳаётга янгича ёндашувни кутмоқда. Ана шундай жараёнда тинчликни асраш, дунёдаги ривожланган мамлакатлар ва халқлар билан ҳамкорликни кучайтириш асосий фаолиятимизга айланиши керак.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, терроризм, экстремизм ва наркотарфик каби хатарларга қарши курашиш Қуроли Кучларимиз ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг доимгидек устувор вазифаси бўлиб колмоғи зарур.

Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши ғалабасига қўшган ҳиссаси бизнинг тарихимиз. Биз бу тарихдан куч-қувват оламиз. Бу тарих бизни тинчликни асраб, барча халқлар билан дўст ва ҳамкор бўлиб, ёруғ келажак бунёд этишга даъват этади.

Мухтасар айтганда, Иккинчи жаҳон урушидаги буюк ғалабага ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган ўзбекистонликларнинг жанговар фаолиятини ва фронт ортидаги меҳнат жасоратларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш доимий вазифа ҳисобланади.

Уруш йилларида фронт ва фронт ортида ўз озодлиги, эркинлиги йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди. Халқимизнинг асрлар давомида оғир синовларда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашлардаги букилмас иродаси ва жасорати ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш намунаси бўлиб қолади.

Шухрат ХОТАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, полковник.

САМИМИЙ СУХБАТДОШ ЭДИ

Дўстимиз Қурбон Эшматов ҳаётда табиатан юморга мойил инсон бўлганини кўпчилик яхши билса керак. У зиммасидаги мураккаб вазифаларни ҳам беозорлик билан бажаришга интилар, пироварардида кўзлаган мақсадига тезроқ эришарди. Агар Болгариядаги Габрово, Олтиариқдаги Шакарқишлоқ адабий оламда қандай машҳур бўлган бўлса, Қашқадарёдаги Оммағон қишлоғи айнан Қурбон туфайли юртимизда ном қозонди. “Туркистон” (ҳозирги “Ёшлар овози”), “Халқ сўзи” газеталари саҳифаларида содда, самимий феълга эга оммағонликлар ҳақидаги хангомалардан олам-олам завқ олганмиз.

... Олий таълим соҳасида ноҳақ тухматга учраган домла ўз ҳасратини Қурбон Эшматовга баён қилади. Ҳар томонлама ўрганганидан сўнг журналистнинг таҳлилий мақоласи чоп этилади. Бунда танқид остига олинган зотлар юқорига шикоят қилишади: Муаллиф ўз қахрамонидан катта пул олган, акс ҳолда бунчалик ҳимоя қилмасди. Олий таълимга юқори идорадан раҳбарлик қилувчи каттакон Қурбонни ҳузурга чақиради. Биринчи савол шундай бўлди: “Домладан қанча пул олдингиз?” Қурбоннинг жавоби ҳам дангал бўлди: “Мен, одатда, арз қилувчи одамнинг ароғини ичаман, овқатини ейман, лекин пулини олиб пасткашликка бормайман”. Ҳамиша мардона гапириб юрган раҳбар “Қўлни ташланг” деб рост сўзга ишонди. Аслида юқоридаги ҳолат ўз суҳбатдоши билан юракдан гаплашиши

учун, ўртадаги шубҳа “девори”ни йўқотиш учун рўй берарди.

Биз, журналистлар касбий фаолиятимиз давомида кўп одамлар билан танишамиз, нимадир ёзганимиздан кейин ҳам айримлари билан кадрдон бўлиб қоламиз. Бунинг ёмон жойи йўқ. Ахир ҳаёт илҳом манбаи. Шу маънода вақти-вақти билан таҳририятга эски танишларимиз сўраб келиши оддий ҳолга айланган. Аммо бу борада Қурбондан ҳеч қайсимиз ўтолмаймиз. Эҳтимол, улар орасида қашқадарёликлар кўп бўлса керак, деб ўйларсиз. Асло. Қурбон биров билан дўст тутинганда қаердан эканлигини суриштирмас, балки инсонийлик хислати билан қизиқарди. Фарғоналик фермер, оққўрғонлик юрист, жиззахлик ўқитувчи – ким бўлмасин, таҳририятга қадам босса, кўпчилик ходимларимиз ўша захоти “Ҳа, сиз Қурбон



аканинг олдида келдингизми?” дея қарши олишарди.

Нега одамлар Қурбон Эшматов истикболига ошиқарди? Бунинг сири борми? Синчиклаб эътибор қилсангиз, бу сирдан воқиф бўласиз. У ҳузурга келган инсоннинг қўлига пиёлада чой тутқизарди. “Исикда чарчаган кўринасиз, мана бу чойни ичиб олинг” дерди. Қоғоз-қалам, диктофонларни суриб кўярди. Сўнгра келган одамдан “Сиз томонларда ҳам иссиқми ё салқин?” деган саволни берарди. Уй ичидагилар, ён-атрофдагилар хол-аҳволи сўралади. Шу пайтда халиги одам ҳар қандай расмийликдан холи, ишончли муҳитга тушади. Натижада самимий, ошқора суҳбат давом этади.

Баъзан юртимизнинг нариги чек-

касидаги танишимиз яқин одамими бизга юборади. “Сизга фалончидан салом” дея гап бошлайди келган одам. Шу лаҳзада сиз уни қандай қабул қиласиз? Озгина безътибор бўлсангиз, ташриф буюрувчининг кўнгли ранжиб қолади. У одам юртига қайтиб боргач, ундан эски танишингиз сўрайди: “Қандай қабул қилди?”. Шундай саволга ижобий жавоб бўлиши учун Қурбон Эшматов туган йўл — “мастер-класс”дан баҳраманд бўлиш керак. Зотан, бугунги давримизнинг муҳим шиори “Ҳамма нарса инсон учун”.

Шу маънода Қурбон Эшматов аввал инсон, кейин журналист бўлиш тамойилиги амал қилди.

Кўплар Қурбоннинг муваффақият қозонган дамларини эслайди. Мен унинг бир таҳририятдан иккинчисига ўтган дамларининг гувоҳи бўлганман. Ўшанда у ўзига хос беозорлик билан “Шундай бўлиши керак экан, майлига, розиман” деган эди оҳиста оҳангда. Доим ҳазил-мутуйибага ўрганган дўстимиз сокинлик билан чиқиб кетди. Гуё бу дунёдан ҳам шундай сукут билан кетгандай эди.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

ЭКОЛОГИЯ АУДИТОРЛАРИ

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигида “Экологик аудиторларни тайёрлаш” ўқув курси битирувчиларига дипломлар берилди. Дипломларни битирувчиларга Экология вазири ўринбосари Жусишбек Казбеков топширди.

Маълумот учун, Марказий Осиё атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети қошидаги Атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази томонидан “Экологик аудиторларни тайёрлаш” ўқув курси ташкил этилган.

Ўқув курслари Ўзбекистон Республикасининг “Экологик аудит

тўғрисида”ги 2021-йил 15-мартдаги 678-сонли Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг “Экологик аудит соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2023-йил 19-августдаги 402-сонли қарори ҳамда Экология вазирлигининг “Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 19-августдаги 402-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида” 2023-йил 22-августдаги 259-сонли буйруғига асосан таш-



кил қилинди.

Дастлабки ўқув курсини 44 нафар тингловчи муваффақиятли тугатди. Бу тингловчилар марказнинг биринчи битирувчилари ҳисобланади.

Бухорода онлайн камералар орқали белгиланмаган жойларга чиқинди ташлаш ҳолатлари аниқланди.

Экология вазирлигининг Диспетчерлик ва онлайн мониторинг марказий бошқармаси томонидан Бухоро вилоятида ўрнатилган онлайн кузатув камералари орқали белгиланмаган жойга чиқинди ташлаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, чора кўрилмоқда.

Жумладан, Бухоро шаҳридаги “Х.Олимжон” ва “Ширбудин” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ўрнатилган кузатув камераларида беш нафар фуқаро томонидан бир неча жойларга ноқонуний чиқинди ташлаб кетилгани қайд этилган.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан ҳар бир ҳуқуқбузарга МЖТ-Книнг 91-прим 1-моддаси 1-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, БҲМнинг 1 баробари — 340 минг сўмдан жарима белгиланди.

Маълумот учун, айти дамда Бухорода 20 та онлайн кузатув камералари мавжуд

Бу камералар нафақат белгиланмаган жойга чиқинди ташлаш, балки бошқа турдаги экологик ҳуқуқбузарликларни ҳам аниқлаб, бартараф этишга имкон беради.



СЕМИЗЛИК — ДУШМАНИНГИЗ

Агар сизда ортиқча вазн бўлса, организмнингизда қариллик тўқималарини йиғяпсиз.

Саломатлик

Қоматни ёшларникидек ушлаб туриш учун ҳар ким ўзи ҳаракат қилиши керак. Ортиқча вазни йўқотиш учун жисмоний ҳаракатни кўпайтириш керак ёки овқат кам истеъмол қилиш керак. Иккови ҳам бирдан қилинса, яна яхши. Ҳар бир инсон йиллар ўтиши билан тўлишади, деб ўзингизни юпатманг. Агар сиз шундай ўйласангиз, қариллик муддатидан олдин келади ва касалликка чалинаси.

Ортиқча вазн оғоҳлантирмай кириб келади. Кўпинча унинг хавфини сезганингизда кеч бўлади. Курашинг! Сизнинг ҳаётингиз балки шунга боғлиқдир.

Поль БРЕГ,
«Асаб кучи» китобидан олинди.



Тошкент вилоятида инспекторларнинг ҳаётига тажовуз қилинганлиги юзасидан жиноят иши қўзғатилди

Аввалроқ Тошкент вилояти Сирдарё дарёсининг ўнг қирғоғида рейд тадбирини ўтказётган Сирдарё сув

ҳавзаси шўъбаси инспекторлари ҳаётига тажовуз қилингани ҳақида хабар бергандик.

Тақиқланган қуроллар ёрдамида балиқ овлаётган браконерлар инспекторлар Д. Зоҳидов ва Т. Бўриевларни сувга чўктиришга ҳаракат қилиб, кейин воқеа жойидан қочиш кетишганди. Ҳолат юзасидан кенглик ҳужжатлар вилоят ИИБ ва вилоят прокуратурасига юборилганди.

Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Тиббиёт бирлашмаси маълумотида кўра, инспектор Т. Бўриевнинг баданида «ўнг ва чап оёқ сон орқа юзалари юмшоқ тўқималари лат ейиши, конталашлар, ўнг қўл қафт орқа юзаси юмшоқ тўқималари лат ейиши» каби тан жароҳатлари аниқланган.

Оққўрғон туман прокуратурасининг хабар беришича, ҳолат юзасидан ЖКнинг 219-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, фуқаролар И. Л. ва Ю.Л. жиноят ишида гумондор сифатида қўлга олинди. Айти дамда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Ахборот хизмати

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-410
Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани,
Боғишамол кўчаси, 7-уй
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Китобсиз тараққиётга эришиб бўлмайди

Таниқли адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов фарзандларининг тарбиясидан нолиб, маслаҳат сўраб келган кишига: “Уларнинг қўлига китоб тутқазинг. Китоб уларга ҳаётни, турмушнинг қийинчилқларига дош беришни, сабрни ва қаноатни ўргатади” деган эканлар.



даги қатор маҳаллаларда шинам ва кўркам кутубхоналар ташкил этилиб, фойдаланишга топширилмокда. Улардан бири пойтахтимиздаги Янги ҳаёт тумани “Олчазор” маҳалласида ташкил этилган кутубхонадир. Ушбу зиё масканида ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир асарлари, иқтисодий китоблар, болалар адабиёти ҳамда турли жанрларда чоп этилган адабиётлар, маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга жами 2 мингга яқин китоблар ўрин олган бўлиб, бу маънавият маскани маҳалла аҳли учун совға бўлди. Шунингдек, кутубхонада шахмат ўйнашга қизиқувчилар учун ҳам алоҳида жой ҳозирланган.

Мазкур кутубхонанинг очилиши ёш-у кексага чинакам қувонч бағишлайди, десак адашмаймиз. Чунки энди нафақат ёшлар, балки кекса авлод ҳам бўш вақтини ана шу зиё масканида ўтказиши мумкин. 2024 йил 1 март ҳолатига кўра, “Олчазор” маҳалласида 5287 нафар аҳоли, шу жумладан, 2 544 нафар ёш, 2 541 нафар хотин-қиз

истиқомат қилади. Яна бир кутубхона Олмазор туманидаги “Хончорбоғ” маҳалласида ҳам энг янги китоблар билан бойитилган ҳолда ташкил этилди. Мазкур кутубхонада ҳам маҳалладаги турли соҳа ва қатлам вакиллари ўзлари учун зарур китобларни топишлари, шунингдек, шахматга қизиқувчилар шахмат ўйнашлари мумкин. Ёшлар ва кексаларни бир манзилга тўплайдиган шинам гўшада айни дамда 1,5 мингдан ортиқ бадиий ва таржима адабиётлар, эртак, турли энциклопедия ва юртимиз тарихига оид китоблар мавжуд.

Микрокредитбанкка бириктирилган яна бир ҳудуд — Чилонзор туманидаги 5000 дан ортиқ аҳоли яшайдиган “Шарқ” маҳалласи бўлиб, у ерда ҳам замонавий ва шинам кутубхона ташкил этилди. Мингдан ортиқ бадиий ва таржима адабиётлар, иқтисодий ва мо-

тивацион китоблар, болалар адабиёти ва юртимиз тарихига оид китоблар маҳалла аҳли учун ажойиб туҳфа бўлди. Бу маҳаллада ҳам шахматга қизиқувчилар учун шахмат ўйнашларига шароит яратилди. Айниқса, ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи, китобга ўзгача меҳр қўйган Дилноза Алиева анча вақтдан буён ишсиз бўлиб, бугун бу кутубхонанинг очилганидан жуда хурсандлигини ва сеvimли иши билан шуғулланишидан мамнунлигини яширмади.

Эътиборлиси шундаки, маҳаллалардаги бу каби кўркам кутубхоналарнинг ташкил этилиши нафақат аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини оширишга, балки шу ҳудудда янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади. Микрокредитбанк эса бундай хайрли ишларда доим халқимизга камарбаста бўлишга интилади.

Банк Ахборот хизмати



Дарҳақиқат, инсон маънавиятини оширадиган, сўз бойлигини тўлдириб борадиган, энг муҳими, тўғри йўлни кўрсатадиган беминнат дўст китобдир.

Давлатимиз раҳбари “Китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай энгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти – китоб ва кутубхоналарда”, – деб бежиз таъкидлаган.

Бугун “Микрокредитбанк” АТБ ташаббуси билан пойтахтимиз-



Biznesni Rivojlantirish Banki



MAY
XOTIRA VA QADARLASH
KUNI BILAN!



Bank yo'lingizda emas,
qo'lingizda bo'ladi!



“QUANT” mobil ilovasi

- Uzcard, Visa, Humo kartalari o'rtasida pul o'tkazish
- Valyutani onlayn sotib olish
- Internetda kartalar, omonatlar va hisoblarni boshqarish



www.brb.uz

